

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ
АҲАМИЯТИ**

Носиров Рашод Адилевич,
“Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси профессори,
Тошкент давлат транспорт университети,
Темирова Светлана Владимировна,
“Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси катта ўқитувчиси,
Тошкент давлат транспорт университети

Маълумки, XX асрнинг 90-йилларига келиб СССРдаги сиёсий вазият кескинлашди. Иттифоқ таркибидаги кўпчилик республикалар мавжуд вазиятни ўзгартиришни талаб қила бошлади. Ўзбекистонда, кейинчалик бошқа республикаларда президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва бу республикалар томонидан суверенитет тўғрисидаги Декларация ва Баёнотномаларнинг қабул қилиниши, 1990 йил баҳорида Совет Социалистик Республикалари ҳисобланган Болтиқбўйидаги Литва (11-март), Латвия (4-майда), Эстония (8-май), кейинчалик Грузия (октябрь) ва Озарбойжон (1991 йил февраль) Иттифоқ таркибидан чиққанлигини эълон қилиниши СССРнинг давлат бутунлигига жиддий таъсир кўрсатди. Мамлакатнинг бошланиб келаётган емирилишидан жиддий хавотирга тушган партия – давлат раҳбарияти СССРда чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз тазйиқи остида 1990 йилнинг кузида иттифоқ Маркази билан республикалар ўртасида муносабатларни янгилаш юзасидан музокара жараёнини бошлашга мажбур бўлди. Лекин марказ 1991 йилнинг баҳорига қадар республикалар ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳаларида ўзининг ҳукмронлик вазиятини сақлаб қолишга интилди. 1991 йил март ойида Марказ ва республикалар вакиллари томонидан Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси тайёрланди. Бу лойиҳа 1991 йил 12 мартда “Суверен республикаларнинг иттифоқи тўғрисида шартнома” лойиҳаси номи билан марказий ва республика матбуотида эълон қилинди. Мазкур ҳужжатнинг асосий ғояси – кўп миллатли иттифоқ давлатини федерация сифатида сақлаб қолиш, шу билан бирга, республикалар суверенитетини рўёбга чиқариш туфайли Марказнинг янги вазифаларини ҳам белгилаш эди. Гарчи лойиҳа республикаларнинг суверенитети тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олган бўлса-да, бу “суверен давлатлар” эмас, балки “суверен республикалар” иттифоқи тўғрисидаги шартнома эди. Кейинчалик 1991 йил 23 апрелда СССР Президенти М.С. Горбачёв ва тўққизта иттифоқдош республикалар раҳбарлари иштирокида Москва яқинидаги Ново-Огарёвода бўлиб ўтган йиғилишда принципаал низоли масалалар юзасидан томонларни қаноатлантирадиган битимга “Суверен Давлатлар Иттифоқи тўғрисида”ги шартномани тузишга келишиб олинди. Йиғилишда қабул қилинган “Мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида қўшма баёнот”да янги Иттифоқ шартномаси ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ишини яқин вақт ичида тугаллаш таъкидланди. Қўшма баёнот “9+1” (тўққизта республика+Марказ) деган номни олди. Бироқ бу қўшма баёнот ҳам ўша вақтдаги бошқа кўпгина ҳужжатлар сингари фақат қоғозда қолиб кетди, амалда эса империяпарастлик мавқеларини сақлаб қолишга қаратилган эди. Натижада 1991 йил баҳори-ёзига келиб, ҳокимиятни Марказ янгича бошқара олмайдиган, қуйи (республикалар) эса эскича олмайдиган вазият юзага келди.

Мустақиллик сари интилаётган миллий республикаларга нисбатан тазйиқ ва таъқибларни кучайтириб, тобора заифлашиб бораётган қизил империяни сақлаб қолиш мақсадида 1991 йил 19–21 август кунлари Москвада СССР вице-президенти Г. Янаев, Министрлар Советининг раиси В. Павлов, КГБ раҳбари Б. Крючков, мудофаа вазири Д. Язов, ички ишлар вазири Б. Пуго ва бошқа юксак лавозимдаги масъул партия ва давлат арбоблари томонидан ҳарбий тўнтариш амалга оширилди. СССР Президенти М. С. Горбачев раҳбарликдан четлаштирди. Фитначилар томонидан мамлакатни идора қилиш учун СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети (ГКЧП) тузилди.

Айнан шу пайтда Ўзбекистон ССР Президенти Ислон Каримов Ҳиндистонга расмий ташриф билан борган эди. И. Каримов 19 август куни сафардан Тошкентга қайтиб келди ва шу куни кечқурун ҳукумат аъзолари билан учрашиб, “Марказдан ким бўлишидан қатъий назар, қонунга ҳилоф кўрсатмаларни бажариш мумкин эмас” деб Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. 1991 йил 20 август куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Совети, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлиси бўлди. Унда фитна муносабати билан вужудга келган вазият муҳокама қилиниб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

1991 йил 21 август куни Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонга биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Айнан мана шу Фармонда қисқа муддатда республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига киритиш таклифи белгилаб берилди. 1991 йил 29 август куни “КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида”ги қабул қилинган қарорда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги бутун мулки республика мулки, яъни умумхалқ мулки эканлиги эълон қилинди.

Собиқ Иттифоқнинг расмий жиҳатдан тугатилишида 1991 йил 8-декабрда Белоруссиянинг Беляя Вежа Пушчасида Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро битим муҳим аҳамият касб этди. Битимда 1922 йил 30 декабрда ташкил топган СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил этилганлигини расман эълон қилдилар. 1991 йил 25-декабрда СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди.

Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир республика ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 26 август куни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31-августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди. Ана шундай вазиятда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди. Сессияда Ўзбекистон 1чи Президенти И.А.Каримов нутқ

сўзлаб, собиқ Иттифоқда сўнг пайтларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томондан асослаб берди, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мустақиллик тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф қилди. Олий Кенгаш депутатлари муҳокамадан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунни, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаши Баёноти”ни ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. 17 моддадан иборат бўлган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб берди. Қонунда: “Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил демократик давлатдир”, - деб қонунлаштириб қўйди. Бундай Қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқларимизнинг натижаси ҳисобланади. Ушбу қонун мамлакатимизнинг ички ва ташқи муносабатларида мустақил сиёсат юритишни белгилаб берувчи энг муҳим, айтиш мумкин бўлса, мустақил давлатчилик асосларини барпо этган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу Қонунга Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрида бўлиб ўтган VII сессиясида қабул қилинган қарори билан Конституциявий қонун мақоми берилди.

Шу тариқа, халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди. Узоқ йиллар давом этган кураш натижасида иаилакатимиз, халқимиз сиёсий мутеликдан ва асоратдан қутулди. Ўзбекистон тарихида янги давр – миллий истиқлол даври бошланди. Ўзбекистон учун мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, халқимиз учун ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти вужудга келди. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли ўз тақдирини ўзи белгилаш, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгалик қилиш, улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш, тараққиёт йўлини мустақил танлаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар руҳида тарбиялаш, юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш каби имкониятларга эга бўлди

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018
2. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018.
3. Ислон Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1, Т., “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ислон Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1, Т., “Ўзбекистон”, 1996.
5. Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., “Ўзбекистон”, 2011.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2019.

7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., "Ўзбекистон", 2000.
8. Shamsutdinov R. O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma. T., "Sharq", 2013.
9. Nosirov R. A. EDUCATIONAL PROBLEMS IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 82-85.
10. Odilovich, Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyar Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." *European Journal of Molecular and Clinical Medicine* 8.1 (2021): 1388-1396.
11. Носиров, Рашод Адилевич, Машхура Иномжановна Рахимова, and Светлана Владимировна Темирова. "Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили." *инновации в педагогике и психологии* 5.3 (2022).
12. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
13. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
14. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, (3 (44)), 32-33.
15. Носиров Р. А. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 198-202.
16. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 86-88.
17. Adilovich, Nosirov Rashod. "History of the Sakas in Ancient Khorezm." (2022).
18. Adilovich, Nosirov Rashod. "Ethnic Formation of the Uzbek People." (2022).
19. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 203-205.
20. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
21. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO 'NALISHI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
22. Насыров, Р. А. (2022). ИЗ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 78-84.